

“ВАЪДА БЕРИШ” ЛЕКСЕМАСИНИНГ АЁЛЛАР НУТҚИДА ҚЎЛЛАНИШНИНГ ФУНКЦИОНАЛ СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Проф. Жамолиддин Ёқубов ЎзДЖТУ

Аннотация: Мазкур тадқиқот француз тилида ономасиологик йўналишидаги нутқий актларда “ваъда бериш” лексемасининг қўлланишига бағишланган. Мақоланинг мақсади ваъда бериш лексемасининг прагматик, семантик, морфологик ва синтактик хусусиятларини очиб бериш ҳисобланади.

Аннотация: Настоящее исследование посвящено изучению речевых актов обещания во французском языке в ономасиологическом аспекте. Целью настоящей статьи, следовательно, является выявление прагматических, семантических, синтаксических и морфологических особенностей французских промисивов.

Annotation: The present study is devoted to the study of speech acts of promise in French from an onomasiological aspect. The purpose of this article, therefore, is to identify the pragmatic, semantic, syntactic and morphological features of French promises.

Калит сўзлар: ваъда бериш, нутқий акт, сўзловчи, тингловчи, эмотив ҳолат, модал феъллар, имплицитлик, паратаксиз, гипотаксиз.

Ключевые слова: обещание, речевой акт, адресант, адресат, эмотивное состояние, модальные глаголы, имплицитность, паратаксиз, гипотаксиз.

Key words: promise, speech act, addressee, addressee, emotive state, modal verbs, implicitness, parataxis, hypotaxis.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг таржима санъати алоҳида фан сифатида шаклланиб, ривожланиб бормоқда. Тўғри, олдин ҳам бу фан бор эди, ammo кўп таржималар она тилимизга бошқа тиллар орқали таржима қилиниб, ушбу фанга эътибор камроқ қаратилар эди. Бугунги кунда эса бошқа хорижий тиллардан тўғридан-тўғри она тилимизга таржима қилиш кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Бу эса, албатта, бизни қувонтиради.

Таржима қилиш деганда биз бир тилдаги воқеликнинг аниқ мазмунини турли хил лисоний бирликлар ёрдамида иккинчи тилга ўгиришни тушунамиз. Демак, таржиманинг асосий вазифаси фақатгина гап мазмунининг асосий ғоясини бериб қолмасдан, балки таржиманинг асосий услубий хусусиятини ва воқеликнинг ифодаланиш шакллари тилдаги воситалар орқали берилишини тушунамиз. Айнан шу вазифа шакл ва мазмуннинг ўзаро бирлиги таржимани бир тилдан бошқа тилга турли хил йўللار билан ўгиришда катта роль ўйнайди. Бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш жараёнида матндаги гапларни ўзаро алмаштиришнинг қуйидаги асосий мантиқий турлари мавжуд: 1) грамматик категориялар(сон, замон, майл ва ҳ.к.) транспозицияси; 2) сўз туркумлари транспозицияси; 3) лексик-синтактик транспозиция; 4) гапларни лексик-семантик алмаштириш (улар турли хил вазиятни қамараб олади). Айтиш жоизки, таржима жараёнида матндаги воқеликни ифодалашда гаплар асосий синтактик бирлик бўлиб хизмат қилади. Ҳар қандай гап бир нечта сўзлар микдоридан иборат

бўлиб, улар грамматик шаклга эга ва бу сўзлар бирорта сўз туркумига тегишли бўлиб, улар ўзаро синтактик муносабатда бўлади.

Маълумки, тил ва тафаккурнинг бирлиги нутқда ўз ифодасини топади. Нутқ оғзаки ва ёзма ҳолда мавжуд бўлиб, унда фикримиз моддий шаклга, яъни хиссий идрок этиладиган шаклга киради ва шу тариқа у энди бир шахсга эмас, балки жамиятга тегишли бўлиб қолади. Нутқнинг яратилиши ўз ичига бир қанча мураккаб руҳий ва жисмоний жараёнларни олади.

Демак, нутқ фаолиятдир. Биз мазкур мақоламизда аёллар нутқида “ваъда бериш” лексемасининг таржимадаги функционал семантик хусусиятлари ҳақида фикр юритамиз.

Promettre/обещать. Ваъда бериш, сўз бериш, ваъдани бажариш, ўз ваъдасида туриш, куруқ ваъдалар бериш каби қатор маъноларни англатади. Ваъда бериш нутқий акти – иллокутив нутқ акт ҳисобланиб, унда бирор ишни ёки мақсадни амалга ошириш кўзда тутилган. Бу ерда сўзловчи(адресант) ва тингловчи (адресат) орасидаги мулоқот назарда тутилади.

Ваъда бериш иллокутив нутқ актига эмотив ҳолати киради: Агар унда шодлик, ғам-алам, муаббат, ҳурмат ташаккур билдириш каби. Шунингдек улар таркибида модал феъллар, ҳолатни баҳолавчи лексика сўзловчи томондан қўлланса.

1. S'engacher envers qqn à faire/qqch/ (Бирор нарсани бажаришни ўз бўйнига олмоқ.) il lui a promis son aide. Il a promis de faire l'impossible pour venir. 2. S'engacher envers qqn à donner/qqch/ Promettre une récompense(мукофот), un poste(лавозим) à qqn. 3. Annoncer, prédire(эълон қилмоқ, олдиндан айтмоқ). Je vous promets du beau temps pour demain. [Le Petit Robert 2015, 204p].

Ваъда бериш лексемаси икки гуруҳда қўлланади: Нутқнинг икки асосий тури мавжуд: 1) шахсий нутқ. Кунда ишлатиладиган иборалар, турмуш тарзи. Бу нутқ бадиий асарларда, фалсафа ва психологик матнларда шахснинг ички дунёси тўла очиб берилади.

2) институционал (-касбий-расмий)нутқ. Инсон ижтимоий ҳаётдаги, яъни сиёсий, дипломатик, административ, юридик, ҳарбий, педагогик, реклама, спорт, илмий, ахборот воситалар ва ҳк.ни ўз нутқи орқали баён қилади.

Сўзловчи (муаллиф)нинг нутқида қўлланувчи ваъда бериш лексемасининг синтактик структураси тасдиқ ва инкор, дарак ва ундов гапларда қўлланилади. Ушбу гапларда мурожаат, хис-хаёжон, модал ва кириш сўзлар, юкламалал ва бошқа коннотативни англатувчи воситалар қўлланмайди.

Ваъда бериш лексемасининг морфологик хусусияти шундаки, унда турли хил феъл замон шакллари, жумладан, келаси замон, яқин келаси замон, ҳозирги замон, истак майли ва биринчи шахсда **je/я и nous/мы** қўлланилади.

Тахлил шуни кўрсатмоқдаки, ваъда бериш лексемаси кунли ҳаётда француз аёллари нутқида дарак гапларда қўлланса, рус аёлларида эса ундов гаплар ишлатилиши намоён бўлди.

– *Мамочка, поздравляю тебя и обещаю, что своего ребенка никогда не брошу!*

[<http://www.rambler.ru/news/russia/0/11672993.html>]

Кунлик турмуш тарзида рус аёллари нутқида ваъда бериш лексемаси 45% случаев, а француз аёлларида эса 65,8%.

Сўзловчи фикрларининг нутқ йўналтирилган шахсга тез ва осон етиб боришида мулоқат жараёни муҳим ўрин тутади. Сўзловчи ўз коммуникатив мақсадига эришиш учун нутқий вазиятга мос келувчи лисоний бирликлардан фойдаланади. Табиийки, мулоқат жараёнида иштирокчилар нутқий ижтимоий нуктаи назаридан хосланган бўлади. Бунда мулоқот вазияти, мавзуси, нутқ иштирокчиларининг касби, ёши, миллати, жинси, дунёқараши, ижтимоий

нуфузи муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, аёллар нутқида “ваъда бериш” лексемасининг кўлланишини кўриб чиқайлик.

Ҳар бир аёл нутқ акти замирида маълум бир мақсад ётади. Шунга боғлиқ ҳолда бир нутқий мулоқотда турли нутқий актлар намоён бўлиши ҳамда бир тизимни ташкил этиши мумкин. Бу нутқий актларда сўзловчининг ифодаланаётган фикрларга мунособати, воқелик фактларини у ёки бу нуқтаи назаридан баҳолаши ҳам ўз ифодасини топади. Масалан, аёл ва эркеклар нутқида кўплаб содда ва мураккаб гапларни учратамиз. Айниқса, аёллар нутқида гапларнинг кетма кет келиши, уларнинг узвий мантиқан боғланиши, улар нутқида эмоционал ҳаракатлар, интонация ва лисоний бирликларнинг керакли жойларига турли хил урғуларнинг тушиши гапнинг моҳиятини янада ошириб жозибали қилиб кўрсатади. Мисоллар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, аёллар нутқида “ваъда бериш” лексемаси эркеклар нутқида нисбатан кўпроқ паратаксис (боғловчисиз гапларда) гапларда учраши кузатилса, эркекларда эса гипотаксис (эргаш гапларда) гапларда кўлланиши маълум бўлди.

Таъкидлаш лозимки, аёллар нутқида ваъда бериш икки ҳолатда намоён бўлади: 1) имплицит, яъни *Promettre* феъли кўлланмайди, 2) эксплицит, яъни гап таркибида *Promettre* феъли кўлланади. Қуйидаги мисолларни таҳлилга тортамыз:

- 1) – *Mais, moi, je t’aurais tout donné, j’aurais tout vendu, j’aurais travaillé de mes mains, j’aurais mendiiée sur les routes, pour un sourire, pour un regard, pour t’entendre dire: «Merci!»*
[G. Flaubert. Madame Bovar].
- 2) – *Je le dis à toutes les femmes: venez faire de la politique, je vous aiderai*
[Paris Match. 2005. № 2913. P. 68].

Биринчи гапда Эмма хоним ҳамма нарсаларни сотиш учун Рудолфга ваъда бераётган бўлса, иккинчи гапда эса Н. Косьюшко-Моризет, сиёсий билимлар билан шуғулланиш учун ҳамма аёлларга ваъда беришини айтмоқда. Биринчи гапда синтактик нуқтаи назарида кўпроқ паратаксис (боғловчисиз) гаплар кўлланган бўлса, иккинчи мисолда эса гипотаксис, яъни Эргаш(шарт) гаплар ифодаланмоқда.

Юқоридаги гаплар таркибида “*promettre-ваъда бермоқ*” лексемаси бўлмаса ҳам, улар мазмундан англаб олиш мумкин. Бу вазиятда ваъда бериш лексемаси имплицит ҳолатда ифодаланмоқда.

Таъкидлаш лозимки, аёллар нутқ актида ваъда бериш лексемаси “*шарт маъноси*”ни ҳам қамраб олиши алоҳида ўрин тутаяди. Аёллар бирор топшириқни бажаришга ваъда беришни ўз бўйнига олиши жараёнида шарт эргаш гапларни кўллаши кузатилди. Бу ҳолатда шарт эргаш гап қўшимча ахборот функциясини бажаради. Масалан, қуйидаги телефондаги суҳбатни

таҳлил қилиб кўрайлик:

–*Je veux que tu me suives.*

–*Je le ferai, dit-elle tranquillement. Mais si tu m’en supplies, pas si tu me l’ordonnes* (F. Sagan. Un peu de soleil dans l’eau froide).

Мазкур гапда Натали илтимосни шу шарт билан бажаради, агар Жиль буйруқ бермасдан илтимос қилса. Таҳлилга тортилган мисолда севишган ёшларнинг нутқ актида шарт эргаш гап ўз таркибига ваъда бериш лексемаси билан яъна қўшимча эмотив ҳолатларни ҳам қамраб олганлиги ҳақидаги мунособатлар ёрқин намоён бўлмоқда. Мазкур ҳолат қуйидаги мисолда ўз аксини топган:

- Si tu désires aller ailleurs, tu es libre, tu seras libre, je te le **promets**

– Агар кетмоқчи бўлсанг, сен бўшсан, бундан кейин ҳам бўшсан, мен буни сенга ваъда бераман.

Ушбу мисолда **le** олмоши ваъда бериш лексемасини англатувчи шарт эргаш гап ўрнига қўлланиб, гап эгаси кишилиқ олмоши **tu** билан ифодаланган. Аёллар нутқ актида қабул қилинган ваъда бериш шарт тингловчи шахсга боғлиқ. Жумладан:

– Si je suis élue, les agents publics seront protégés, ils seront accompagnés en sortant des commissariats [<http://segogo.over>].

С. Руаяль сайловчиларга ваъда берар экан, у давлат хизматчиларини химоя қилади, агар Франция Президенти бўлиб сайланса. Мазкур гапда берилган шартнинг амалга ошиши фақат сўзловчига боғлиқ. Мисолда ваъда бериш лексемаси гап таркибида бўлмаса ҳам, у гапнинг моҳиятида имплицит(яширин) ифодаланган. Аслида юқоридаги гап қуйидагича берилган бўлиши керак эди: → Je **promets** de protéger les agents publics, si je suis élue.

Мисоллар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, аёллар нутқида ваъда бериш лексемаси қўлланганда кўпроқ модал феъллардан фойдаланиши кузатилди. Натижада бирор предмет ёки шахсга бўлган мунособатда, аёллар нутқ актларида ўз мақсадларини амалга ошириш жараёнида эмоционал воситаларидан, жумладан, модал феъллардан яхши фойдаланадилар. Улар ўз нутқларида модал феъллар (*қила олмоқ, хоҳламоқ, керак, vouloir, pouvoir, il faut, on peut*) билан бирга қўшимча эмоционал компонентларни ҳам қўллайдилар. Натижада ушбу лисоний воситалар объектив борлиқдаги бирор предмет ёки шахсга бўлган истак, ҳолат ва ҳиссиётни ифодалаб, гапдаги маънони кучайтиришга хизмат қилади:

–Monsieur, je me vendrai, je deviendrai, s’il le **faut**, une Valérie [Н. de Balzac. La Cousine Bette].

– Mais bon... je ferai ce que je **pourrai...** [<http://www.evene.fr/static/gavalda.htm>].

Берилган мисолларда *il faut, pouvoir* модал воситалар шуни кўрсатмоқдаки, аёллар нутқ актларида берган ваъдаларни бажаришга тайёр эканлиги керак бўлса, ўзини сотишга ёки муаммоларни еча олишга қодир эканлиги ифдаланмоқда.

Шундай қилиб, биз юқорида аёллар нутқ актларида ваъда бериш лексемасини турли лисоний воситалар билан гоҳо имплицит, гоҳо эксплицит ҳолатда келиб, ҳар хил прагматик маъноларни ифодаланишини гувоҳи бўлдик. Мисоллар таҳлилидан шундай хулосага келдикки, аёллар нутқида ваъда бериш лексемаси ўзи билан қатор лисоний воситалар билан, жумладан, боғланган ва эргашган гапларда, шарт маъносини ифодаловчи эргаш гапларда, шунингдек ваъда бериш лексемаси аёллар нутқ актларида модал феълларнинг кўпроқ қўлланиши гапларда турли хил эмотив маъноларнинг кучайишига, сўзловчининг ички ҳолатини янада очиб беришга хизмат қилди.

АДАБИЁТЛАР

1. Ерофеева Е.В. Прямые и косвенные способы выражения речевого акта обещания в современном французском и английском языках. Вестник ЮУрГУ, № 6, 2006.
2. Balzac Н. La Cousine Bette. Paris. Broché – 18 janvier 2007.
3. Flaubert G. Madame Bovary. Paris.Poche – 1 juin 2006.
4. Paris Match. 2005. № 2913. P. 68.
5. Sagan F. Un peu de soleil dans l'eau froide. Paris. Poche – 30 mars 2011
6. <http://segogo.over>.
7. <http://www.evene.fr/static/gavalda.htm>.